

МУТАХАССИСЛИК УЧУН ИНГЛИЗ ТИЛИ (ESP)

ИККИНЧИ ТИЛНИ ЭГАЛЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА УЗЛУКСИЗ (НОРАСМИЙ) ТАЪЛИМ МУҲИТИ



Азамат Анварович АКБАРОВ
профессор
Қозоқ Миллий университети, Алматы

Аннотация

Тилнинг келиб чиқиш илдизлари ер юзида пайдо бўлган биринчи одамлар даврига бориб тақалади деган фикр мавжуд, бироқ тиллараро фарқлаш тарихини муайян бир давригача аниқлаш мумкин холос. Келиб чиқишини аниқлашнинг имкони бўлмаган тилларни эса, ўз қоидаларига эга бўлган тузилишлари мавжуд. Тиллар инсонларнинг биринчиси бўлган Одам Ато даврларидан буён одамлар орасида мулоқот ва ўзаро фаолият воситаси сифатида қўлланилиб келинмоқда (Ilhan, 2005). Тилларнинг қандай келиб чиққанлиги ҳам ва улар қай йўсинда фарқланганлиги ҳам маълум эмас; бироқ иккинчи тилни ўзлаштириш норасмий таълим тизимида содир бўлган деб эълон қилиш чет тилини ўзлаштириш тарихига нисбатан ҳақиқатдан йироқ бўлмайди.

Калит сўзлар: норасмий таълим; чет тилини ўзлаштириш; мактаб; ўзаро фаолият.

НЕФОРМАЛЬНАЯ СРЕДА ОБРАЗОВАНИЯ В ПРОЦЕССЕ ОВЛАДЕНИЯ ВТОРЫМ ЯЗЫКОМ

Азамат Анварович АКБАРОВ
профессор
Казахский национальный университет, Алматы

Аннотация

Существует идея, что корни происхождения языка ведутся от первой человеческой расы, но ее можно определить только до определенного периода межкультурной дискриминации. Языки, у которых не может быть определено происхождение, имеют свои собственные правила структуры. Языки использовались как средство общения и действия между людьми со времен Адама, первого человека на земле (Ilhan, 2005). Неизвестно, как возникли языки и как они были разделены; но провозглашение неформальной среды образования при овладении вторым языком произошло недавно.

Ключевые слова: неформальное образование; изучение иностранного языка; школа; меж действие.

INFORMAL EDUCATION ENVIRONMENT IN THE PROCESS OF ACQUIRING A SECOND LANGUAGE

Azamat Anvarovich AKBAROV

Professor

Kazakh National University, Almaty

Abstract

There is an idea that the roots of the origin of language originate from the first human race, but it can only be determined before a certain period of intercultural discrimination. Languages in which origin cannot be determined have their own rules of structure. Languages have been used as a means of communication and action between people since the time of Adam, the first man on earth (İlhan, 2005). It is not known how languages arose and how they were separated; but the proclamation of an informal educational environment in the development of mastery of a second language occurred recently.

Keywords: non-formal education; foreign language study; school; inter-action.

1. Кириш қисми

Муайян мақсад учун маълум бир жойда ва мутахассислар маслаҳати асосида режалаштирилган, дастур асосида йўлга қўйилган ва ташкиллаштирилган фаолият расмий таълим деб аталади (29). Назарий маънода чет тилини ўзлаштириш расман мактабда бошланса-да, тил амалиёти норасмий таълим контексти бўлиши мактабдан ташқаридаги муҳитда амалга оширилади. Чет тилларини ўрганишда мактабда ўтказиладиган фаолият билан бир қаторда, мактабдан ташқаридаги фаолият жуда муҳимдир. Расмий таълим алоҳида олинган шахсларни ҳаётга тайёрлайди, норасмий таълим эса ҳаётнинг ўзидир. Ўрганиш муҳити чет тилини ўрганишда ҳақиқий ҳаётнинг бир қисми бўлиши лозим. Алоҳида олинган шахсларнинг чет тилини ўрганишда муваффақиятга эришишларининг энг муҳим омилларидан бири воқеа – ҳаётга ўхшаш томонларини намоиш қиладиган ўрганиш муҳитидир.

Чет тилларни ўзлаштириш уй, кўча, иш жойи, саёҳат, боғ ёки дам олиш марказларида ҳамда мактаб каби ижтимоий муҳитларда кечади. Чет тилини ўрганиш ўрганувчи ўз хоҳиши билан қатнашадиган режалаштирилган, дастурлаштирилган ва ташкиллаштирилган жараён тарзида олдиндан ташкил қилинган расмий муҳитларда содир бўлади. Баъзан, иккинчи тилни ўзлаштириш норасмий муҳитда ҳодиса ва нарсаларни онгсиз равишда кўриш, эшитиш, ҳис қилиш ва гувоҳи бўлиш орқали содир бўлади (1). Чет тилини ўзлаштириш нуктаи назаридан норасмий шароит таъсирининг муҳимлиги расмий шароит таъсирининг аҳамити билан бир хилдир.

Иккинчи тилни ўрганиш назариялари борасидаги тадқиқотлар натижалари тилни ўрганиш жараёнига турли ёндашувларни кўрсатади (13). Чет тилини ўқитиш восита-қуроллари иккинчи тилни ўрганувчиларнинг рағбатланганлик

даражаси, уларнинг анъаналари, ўрганиш стратегиялари, ўрганиш услублари ёш ва ақлий қобилиятнинг ўзига хос фарқлари билан аниқланади (8). Шу боис, бутун дунёда чет тилини ўқитиш жараёнида ўрганувчилардан ўзлари мактабдан ташқари қўллашлари учун керак бўлган материалларнинг мавжудлиги талаб қилинади. Муайян рағбатлантирувчи материал билан бериладиган қўлланмалар етарли эмас. Аслида, шахснинг барча ҳис-туйғуларини жалб қиладиган фаолият ва усуллар (методлар) талаб қилинади. Альберт Меҳрабианнинг аниқлашига кўра, мулоқотда самарадорлик 55% тана, 38% овоз (товуш) ва 7% сўзларга тўғри келади (17). Демак, шахсларга ўрганиш учун фаолиятни амалга ошириш ва яшашга имконият бериш учун норасмий қўлланмалар лозим бўлади.

Ўрганиш жараёнига таъсир қиладиган учта асосий омил мавжуд. Ушбу омиллар ўрганувчи, ўрганиш методи ва ўрганиш материали билан боғлиқ омиллардир (8). Бу омилларнинг иккинчи тилни ўқитишда бўлган бевосита таъсиридан ташқари, норасмий таълим ўлчами эканлигини ҳам назардан қочирмаслик зарур. Глобаллашувнинг бошланиб кетганлиги ортидан жамиятлар бир-бири билан жуда яқин алоқа қилмоқдалар. Технологик воситалар жамиятлар орасидаги масофаларнинг қисқаришига олиб келди ва улар турли сабабларга кўра, бир-бирлари билан яқинлашиб кетдилар. Жамиятлар ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маърифий ва маданий соҳаларда илгари боришига имконият пайдо қилишлари учун чет тилларда сўзлашувчилар сони кўпайиши лозим, чунки булар орасида энг муҳимларидан бири – халқаро алоқалардир. Замонавий дунёда ёши катта одамлар иккинчи тилни ўзлаштиришга уринишда жиддий қийинчиликларга учради ва иккинчи тилни ўзлаштириш улар учун бир кўрқувга айланди. Шу сабабдан дунёда минглаб ёши катта одамлар иккинчи тилни ўзлаштиришда расмий таълимдан ўзга методлардан фойдаланмоқдалар. Инглиз тилини ҳатто икки ҳафтада ўргатишни ваъда қилиб, ушбу йўналишни даромад топиш усулига айлантирган ва шу мақсадда инглиз тилини ўзи ўрганиш (самоучитель) қўлланмалари тайёрлайдиган шароитдан фойдаланиб қолувчилар пайдо бўлди.

Норасмий таълим контекстида автоном ўрганиш усули билан алоҳида шахсларнинг чет тилини ўрганишдаги кўрқишларини енгишнинг иложи бор. Холекка (18) кўра, автоном ўрганиш талабанинг ўрганиши ўқитувчидан мустақил равишда ўқишидир. Бу ерда “мустақил” сўзи, алоҳида олинган шахснинг чет тилини ўз хоҳиши, эркин ва норасмий ўзлаштириши деб талқин қилиниши лозим. Алоҳида олинган шахс иккинчи тилни мактабга қатнамасдан ёки бирор-бир ўқитувчининг раҳбарлигисиз ўз методлари ва материалларини ишлаб чиқиб ўзлаштириши мумкин.

Одамларда ўрганишга хоҳиш уйғотиш нуқтаи назаридан, уларнинг чет тилларни ўрганишига рағбат уйғотиш, ундаш ва ўзларига ишонч ҳосил қилишларига ёрдам бериш ва ижобий муносабатни мустаҳкамлаш жуда муҳимдир (8). Бошқа томондан қараганда, мактаб муҳиtida содир бўладиган манфий тажриба туфайли ўрганувчилар чет тилини ўрганишга бўлган рағбатни йўқотади. Шу мақсадда, одамлар иккинчи тилни норасмий таълим контекстида ўзлаштиришлари методлари қуйидаги категорияларда тушунтирилади:

а) иккинчи тилни норасмий таълим контекстида телевидение дастурлари орқали ўзлаштириш;

б) норасмий контекстда иккинчи тилни компьютер ва интернет ёрдамида ўзлаштириш;

в) иккинчи тилни ўзлаштиришни мактабдан олдинги даврда норасмий контекстда таъминлаш;

г) иккинчи тилни норасмий таълим контекстида бажариш ва ўша муҳитда яшаш.

2. Телевидение дастурлари орқали норасмий таълим контекстида иккинчи тилни ўзлаштириш

Чет тилларга ўргатиш дарслари мактабда ёки ўқув курсида бериладиган дарслар билан чекланиб қолмаслиги зарур. Таълимни ҳаётнинг барча босқичларида давом эттириш имкони бўлиши зарур. Одамлар расмий таълимни умр бўйи давом эттира олмасликлари туфайли, тил ўзлаштиришни норасмий таълим муҳиtida амалга оширишлари мумкин; чет тилини ўрганишни одамлар кўнгилхушлик билан бажарадиган ҳар кунги фаолиятларига боғлаш йўли билан амалга ошириш имкони бор ва бунга ҳордиқ чиқариш фаолиятлари ҳам киради. Масалан, телевизор томоша қилиш одамлар ҳар куни машғул бўладиган фаолият турларидан биридир. Ушбу одат норасмий таълим нуқтаи назаридан чет тилини ўрганишни муттасил давом эттиришга бағишлаш учун қўлланилиши лозим.

Дарс предметининг норасмий таълим контекстида ўқитилиши чет эл теледастурлари (аксарияти инглиз тилида эфирга берилади) орқали амалга оширилиши ҳам мумкин. Чет эл теледастурларини, уларга кўп вақт ва пул сарфламай, аслиятда – дастлабки овозда бериш афзал кўрилиши лозим; бундай қилинса, одамларда асл сўз ва гапларни эшитиш, шу билан бирга уларни тасвирга таққослаш ва пировард натижада тушуниш учун имкон туғилади. Бошқа томондан, она тилида матн субтитр тарзида берилиши лозим. Шу тарзда дунё аҳлининг энг кўп тарқалган бу одати – телевизор томоша қилиш норасмий таълим тизимида қўлланилиши ва чет тилини ўрганишни илгари суриши мумкин. Бироз

муддат ўтгач, ўрганувчилар ўхшаш сўз ва гапларни бир неча марта эшитадилар ва такрорлайдилар, улар мулоқот қила олиш учун ўрганаётган тилларидаги кўникма ва малакаларини ошириш имконига эга бўладилар.

Médiamétrie компаниясининг филиали Eurodata TV Worldwide 2009 йилда 89 та мамлакатда ўтказган тадқиқотларнинг натижаларига кўра, дунё бўйича телевизор томоша қилиш вақти ўртача 3 соат 12 дақиқани ташкил қилади (7). Одамларда ўзлари шунча кўп вақт кетказадиган бу одатдан иккинчи тилни ўзлаштириш мақсадида унумли фойдаланиш имконияти мавжуд. Шу маънода, масалан, муаллиф етти йил давомида яшаб келаётган Босния ва Герцеговина бу масалани янада ёрқинроқ тушуниш учун мисол бўла олади. Босния ва Герцеговина кўчаларида ҳар қандай одам билан инглиз тилида мулоқот қилса бўлади. Босния ва Герцеговина телевидение каналларида чет эл теледастурлари дубляж қилинмайди. Кинофильмлар, сериаллар ва ҳужжатли фильмларнинг барчаси аслиятда (одатда, инглиз тилида) кўрсатилади. Серёмғир иқлимли ҳудудда жойлашган мамлакат бўлганлиги сабабли, Босния ва Герцеговинада одамлар бўш вақтларининг кўп қисмини телевизор томоша қилиш билан ўтказишади. Улар теледастурларни инглиз тилида томоша қилганликлари туфайли, инглиз тилида сўзлашиш кундалик ҳаётда одатий тусга кирган. Турли теледастурларда бир хил гап ва сўзларни кўп марта эшитиб ва кўриб, маҳаллий аҳоли норасмий услуб билан ушбу тилда мулоқот қилиш кўникмасини шакллантирган.

Литтлвуд (24) инсон ҳаётининг илк (болалик) даврида тил ўрганиш бошқа даврларига караганда анча осон бўлишига эътибор қаратади, ўсмирлик даври охирига келиб тил ўрганишга бўлган қизиқиш йўқолади, деб таъкидлайди. Шунингдек, Литтлвуднинг фикрича, ёши катталар *табiiй ўрганиш қобилиятларини* йўқотишади ва тил ўрганиш улар учун сунъий жараёнга айланади. Ёши катталар ҳам, болалар ҳам чет тилидаги кўникма ва малакаларини чет тилида эфирга узатиладиган теледастурлар томоша қилиш йўли билан такомиллаштиришлари мумкин. Бирор тилда намоиш қилинадиган мультфильмлар, телесериаллар, реклама маҳсулотлари, янгиликлар, ҳужжатли фильмлар ва ҳоказоларни томоша қилиш йўли билан инсон онгсиз равишда ўша тилни ўрганиши мумкин. Катталар учун ҳам, болалар учун ҳам чет тилида эфирга узатиладиган теледастурларни томоша қилиш ҳақиқатан иккинчи тилни ўрганишнинг табiiй усули (методи)дир.

Ҳозирги кунда инглиз тили одамлар орасида энг кўп мулоқот қилинадиган тил ҳисобланади. Инглиз тили Буюк Британия, Америка Қўшма Штатлари, Австралия ва бошқа бир қанча мамлакатлар аҳолисининг она тили ҳисобланади. У

дунёда аҳолисининг сони бўйича энг кўп сўзлашиладиган маҳаллий тиллар орасида иккинчи ўринда туради ва 70дан ортиқ мамлакатларнинг расмий ёки ярим-расмий тили бўлиб инглиз тилида сўзлашиладиган мамлакатлар дунё ЯИМнинг 40%ини ишлаб чиқаради (15). Инглиз тили 50дан ортиқ мамлакатларнинг давлат тили ҳисобланади. 85%дан зиёд халқаро ташкилотларнинг расмий тили ҳам инглиз тили. Ҳозирги кунда, дунёдаги компьютер ва интернетдаги барча ахборотнинг 80%дан кўпроғи инглиз тилида. Замонавий дунёда инглиз тилини ўрганиш олий маълумот олиш учун дарвоза сифатида муҳим роль ўйнамоқда (15). Бундан ташқари, аксарият халқаро телеэфир ва теледастурлар инглиз тилида узатилади. Алоҳида олинган шахснинг телевидение каби алоқа воситаси орқали инглиз тилини норасман ўрганишининг эҳтимоли юқори.

Бошқа томондан қараганда эса, телевизор томоша қилишнинг одатга айланиб қолиш воқелигини назардан қочирмаслик лозим. Агар одамлар телевизор томоша қилишда эришмоқчи бўлган мақсадларини унутиб қўйишса, телевидениянинг ўқитиш вазифаси йўқолади ва ақлли онг пассив, ялқов бўлиб қолади (3). Чет тилини телевидение орқали томоша қилиш билан ўрганишга муккасидан киришиб кетмаслик лозим, балки бу жараён табиий равишда автоматик ривожланиши зарур.

Телевиденияда бериладиган реклама ва эълонлар талабаларга аксар ҳолларда расмий кўринишда бўлган дарсда ўтиладиган тилдан узоқлашиш имконини беради, бу билан улар ташқи дунёда қўлланиладиган табиий тилга ўрганиб боришади. Шундай қилиб, талабалар турли сўзловчиларнинг сўзлашувини ва уларнинг “юқумли” услубда янги сўзлар билан бойиган лаҳжалари ва диалектларини ва ўқиш курсларида топиш амри маҳол бўлган ибораларни эшитиш имкониятига эга бўладилар (2). Телевизорда бериладиган реклама ва эълонлар чет тилини ўрганаётган талабаларнинг эътиборини кўп ва тез жалб қилади. Шу маънода, телевидение рекламалари чет тилини ўрганганликнинг турли даража ва босқичларига мос равишда ташкил қилиниши ва норасмий таълим контекстида қўлланилиши мумкин.

3. Норасмий таълим контекстида иккинчи тилни компьютер ва интернет ёрдамида ўзлаштириш

Анъанавий таълим тизимида чет тилини ўрганиш диққат марказида грамматика қоидаларини ўргатиш турар эди (14). Бугунги кунда эса, таълимнинг янги методлари ва технологик воситалари пайдо бўлиши билан эски тил ўқитиш методлари орқада қолиб кетди. Шу маънода компьютер замонавий технологиялар

томонидан таклиф қилинган энг муҳим воситалардан биридир. Одамлар доимо инсон ҳаётига фаол таъсир қиладиган ҳар қандай технологиялардан фойдаланишни давом эттирадилар. Улар замонавий технологиялар ёрдамида ўз ижодкорлик қобилиятиларига қайта шакл бермоқдалар. Техник воситалар/асбоблар ёрдамида ўзларининг ўзлаштирганлик даражаси, алоҳида олинган шахснинг ҳаёт кечириши ва эркинлигини ошириб борадилар (2). Демак, тараққиётнинг энг муҳим маҳсулотларидан бири – компьютер иккинчи тилни мустақил ўрганишда энг самарали воситалардан ҳисобланади.

Бундан ташқари, чет тилларни ўқитишда кўп вақтлар қўлланилиб келинган тил лабораторияси, телевидение ва видео ёпиқ (ички) тармоқлари каби технологик воситалар қаторида компьютер ҳам чет тилларни ўқитиш таълим тизимида ўз ўрнини эгаллади ва одамлар уни ўрганиш-ўқитиш жараёнида самарали қўллашни бошлади. Компьютерларни видео билан бирга қўллаш тилни ўзлаштиришда энг самарали методлардан бири эканлиги аниқланди (1). Инсонлар чет тилини компьютер мультимедиа муҳитида мустақил ўрганадилар, яъни компьютерлар ёрдамида улар тилни ҳам визуал, ҳам оғзаки усулда ўрганишади. Ҳозирда чет тилини тил ўргатиш мактаби ёки тил курсларига қатнамасдан компьютерда мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда ўрганиш имконияти мавжуд.

Айтиш мумкинки, бугунги кунда масофавий таълим норасмий таълимдаги барча чегараларни ўчириб ташлади ва янги даврни бошлаб берди. Масофавий таълим инсоннинг ёши ва жойлашган манзилига қарамай, у афзал кўрган вақт ва тезликда, ўзи танлаган ўрганиш воситаси ёрдамида ўзгаларнинг аралашувисиз ўрганиш имконини беради. Масофа, вақт, ёш, ижтимоий-иқтисодий шароит ва жисмоний нуқсонлар каби чекловлар масофавий таълимга ва ёшга қарамай тўхтовсиз ўрганиш учун зарурат туғдиради. Компьютернинг тинглаш (тинглаб тушуниш), сўзлашиш ва кўриш (томоша қилиш) каби интерактив воситалари ёрдамида чет тилларни ўқитишдаги имконият ўрганувчиларга мустақил ўзлаштириш имкониятини беради. Иккинчи тилни ўзлаштириш тил ўрганувчи ва компьютер орасидаги ўзаро фаолият орқали амалга оширилади. Бундай технологиялар алоҳида олинган шахсларга уларни тинглаб тушуниш, сўзлашиш ва талаффуз, кўникма ва малакаларини мустақил такомиллаштиришда ёрдам беради.

Компьютер ёрдамида қўлланиладиган тил воситалари/иловаларининг мақсади анъанавий таълим чегараларини олиб ташлаш йўли билан талабаларнинг индивидуал ўрганиш эҳтиёжларини қондириш ва уларнинг тил ўрганиш муҳитини бойитишдан иборат. Талабалар ўзлари танлаган компьютер

дастури/иловаси контекстида ўз тил кўникма ва малакаларини ошира оладилар. Компьютер воситалари муҳитида тил ўрганувчилар ўзларини ноқулай сезишмайди, чунки улар хато қилганларида бошқа бир одам уларни кузатиб турмаган бўлади.

Компьютерда мавжуд визуал ва оғзаки нутқ имкониятлари болаларнинг диққатини тортади. Экранда кўринадиган шакллар, ёзувлар ва турли тасвирлар боланинг визуал идрок қилиш ҳисларини уйғотади. Боланинг диққатини жуда тортадиган турли воситалар ёрдамида тилга ўргатиш ҳам мумкин. Компьютер клавиатурасининг муайян тугмалари ёрдамида бола турли шакллар ясай олади ва натижага эришади ва бу билан экрандаги тасвир кўринишини ўзгартиради (Arıcı and Demir, 2009). Масалан, бола ўзи кўриб турган рақамларни бир-бирига боғлаши мумкин. Компьютер асосида ташкил қилинган муҳитда болалар ўйин билан бир вақтнинг ўзида чет тилини ҳам ўзлаштирадилар. Шунинг учун, компьютерда чет тилида бир неча марта мультфильмлар томоша қилган болаларни ўзлари ўйнаб турган вақтда ўзга тилда буйруқлар (гаплар) айтишини кузатиш ҳайратланарли эмас.

Иккинчи тилни интернет ёрдамида ўрганиш билан боғлиқ янги метод ва дастурлар устида ҳам тадқиқотлар ўтказилган. Тезкор интернет алоқалари ёрдамида чет тилини ўрганувчиларда асл ресурсларни топиш ва тегишли хорижий тил она тили бўлган одамлар (native speaker) билан учрашиб мулоқот қилиш имконияти бўлади (10). Алоҳида олинган шахсларда ўзлари ўрганган иккинчи тилни табиий шароитга жуда ўхшаш муҳитда амалда қўллаш имконияти пайдо бўлади.

Масофавий таълим ва мустақил ўрганиш соҳаларида қўлланилган интернет технологиялари чет тилини ўрганувчилар учун фойдали, чунки интернет уларга она тилида сўзлашувчилар билан мулоқот қилишга, чет тилини амалда қўллашга ва турли фаолиятларда қатнашиш имкониятини беради (21). Интернет туфайли одамлар ўзлари хоҳлаган вақтда ўзлаштирган тилларини амалда қўллай оладилар. Ахборот-коммуникация технологияларининг шарофати билан бир тилдан бошқа тилга таржима қилиш осонлашди. Шу маънода, интернет тармоғида ишлатиш учун тайёр кўплаб таржима дастурлари/иловалари мавжуд. Google қидирув тармоғидаги таржима дастури бунга ёрқин мисол бўла олади (<http://translate.google.com>). Ушбу таржима дастурлари луғат вазифасини ҳам бажаради. Таржима дастурлари орқали чет тиллардаги сўзлар ва ибораларнинг таржимасини дарҳол олса бўлади. Бу таржима дастурлари сўзма-сўз таржима усулига асосланган бўлишига қарамай, чет тилларини ўрганувчилар учун фойдалидир.

Бугунги кунда чет тилини, хусусан, инглиз тилини ўргатувчи юзлаб сайтлар мавжуд. Ушбу веб сайтлар, асосан, визуал ва оғзаки нутқни идрок қилиш қобилиятига асосланган фаолиятлардан иборат. Тинглаб тушуниш, тушуниш, талаффуз ва ўқиб тушуниш, кўникма ва малакани такомиллаштириш учун мўлжалланган ушбу сайтлар кўпчиликнинг чет тилини ўрганиши учун жуда қулай. Хусусан, чет тилини визуал эффектлар ва ўйинлар билан ўрганишга мўлжалланган веб-сайтлар болаларнинг эътиборини ўзига тортади. Бошқа томондан қараганда, ушбу веб-сайтларнинг мазмуни сўзлашиш ва ёзиш кўникмаларини такомиллаштириш учун етарли эмаслигини ёддан чиқармаслик лозим.

4. Норасмий контекстда мактабдан олдинги даврда иккинчи тилни ўзлаштиришни таъминлаш

Давр билан ҳамнафас юриш учун бир жамият дунёдаги бошқа жамиятлар билан сиёсий, иқтисодий, техник, илм-фан ва маориф соҳаларида ахборот алмашувини олиб боради, чет тиллар эса ушбу ахборот алмашувининг энг табиий қуролларидан биридир. Чет тили инсон ҳаётининг дастлабки босқичларида, хусусан, болалар боғчаси даврида яхши ўзлаштирилади (9). Мактабдан олдинги даврда болалар иккинчи тилни худди она тилини ўзлаштиришда бўладиган жараёнга ўхшаб ўзлаштирадilar. Болаларнинг ўз тилларини ўзлаштиришлари норасмий таълимга жуда ўхшаб кетади. Шу сабабдан, болаларнинг иккинчи тилни эрта босқичда ўзлаштиришлари норасмий таълим контекстига асосланган бўлиши лозим.

Эрамиздан аввалги II асрда римликлар грек тилини иккинчи тил сифатида ўрганишган ва бу иккинчи тилни ўрганиш норасмий услубда амалга оширилган. Римликларнинг фарзандларини чақалоқликлариданоқ грек тилини биладиган қул ёки энага тарбия қилган. Бошланғич мактабга келганда улар аллақачон грек тилини ўрганиб бўлишган (28). Худди шу каби чет мамлакатларда ишлайдиган одамларнинг фарзандлари ўзлари яшайдиган мамлакатларнинг тилини мактабга бормасданоқ энагалар ёки муҳит орқали ўзлаштирадilar. Ота-оналари ўша мамлакатнинг тилида сўзлашиш учун тил курсларига қатнашишга мажбур бўлишса-да, болалар расмий таълим олмасдан туриб бу тилда сўзлаша оладilar.

Америкадаги муҳожирларнинг болалари билан олиб борилган тадқиқотларнинг натижаларига кўра, 1–6 яшар болаларнинг 68% и соф маҳаллий тилда сўзлашар экан, фақат 10–13 яшар болаларнинг атиги 7% и маҳаллий тилда соф сўзлаша олар экан. Шунингдек, 3–7 яшар болалар ўзлаштирилган тилнинг фонетик жиҳатларига алоҳида эътибор беришар экан (12). Мактабгача бўлган

болалар ўзлаштирилган тилни аниқроқ талаффуз қилишади, деган хулосага келиш мумкин.

Инсон боласи сўзлашиш қобилияти билан туғилади ва ҳар қандай рисоладаги бола ўз ҳамжамияти тилини тақлид орқали ўрганади. Одатда, болалар иккинчи тилни ҳам худди шу метод, яъни тақлид ёрдамида ўзлаштирадilar. Ўз она тилларида маъносини айтиб бера олишмаса-да, улар атрофларида эшитадиган чет тили сўзларини фарқлай олишади. Тил кўникмалари ошиб борган сари, болалар ўз она тили ва иккинчи тилни фарқлай бошлайди. Мактабгача ёшдаги болалар бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ тилни ўзлаштиришлари мумкин.

Болаларга инглиз тили таълим технологиялари методлари билан бир қаторда ўйинлар, кўшиқлар ва тез айтишлар каби қувноқ усулларда ўргатилиши лозим. Болаларга чет тилини ўйинлар орқали ўргатиш тил (ўзлаштиришнинг) асоси ҳисобланган тинглаб тушуниш, тақлид қилиш ва тушунча ҳосил қилиш кўникма ва малакаларини такомиллаштиришга ёрдам беради (5). Болаларда ҳали абстракт тасаввур шаклланмаганлиги сабабли визуал, эшитиш ва ўзаро фаолият аспектлари мавжуд воситалар ва усулларга катта урғу берилади. Бинобарин, ушбу усуллар ёки методлар ёш болаларга чет тилини ўқитишда фақат норасмий таълим контекстида қўлланилади.

Гўдакларнинг бош миёсида тилнинг шаклланиши икки ёшда бошланади ва ушбу шаклланиш ўсмирлик ёшигача давом этади. Агар болалар ушбу даврда иккинчи тилни ўрганишни бошлашса, улар тилни худди она тилини ўрганганлари каби осон ўзлаштиришади (22). Болаларда бош миё ривожланиши 2-5 ёшларга тўғри келади ва бу ривожланиш 6 ёшда тугайди. Ушбу ёшда боланинг тил ўрганиш онги жуда фаол бўлади. Агар табиий муҳитда ўтказиладиган чет тили таълим тизими болалар психологияси ва ривожланиши билан уйғун равишда ишлаб чиқилса, болаларнинг шу тилни ўзлаштиришлари анча осон бўлиши муқаррар. Шунингдек, яхши йўлга қўйилган тилга ўргатиш тизими боланинг ақлий ривожланишига ижобий таъсир қилади (4).

Мактабгача ёшдаги болалар ўзлари ўзлаштираётган тилни таҳлил қила олмайдилар; бошқача қараганда, масаланинг муҳим томони шундаки, улар ўзлари ушлаб кўриб ёки кўра оладиган муайян ҳодиса ва нарсаларнинг предметларни яхши идрок қила олишади. Улар тинглаб тушуниш кўникмаси билан ўрганиш жараёнини бошлашади ва тегишли равишда сўзлашиш, ўқиш ва ёзиш кўникмалари билан давом эттиришади. Уларда жонли тасаввур мавжуд, жуда тез зерикиб қолишади ва ўрганилаётган материални тинмай такрорлаб туриш лозим. Ўрганган билимларини хотирада сақлаб қолишлари учун уларга қизиқарли ва тез

таъсир қиладиган материаллар бериш лозим. Улар баҳам кўриш, ҳамкорлик қилишга ўргатадиган фаолиятни яхши кўришади. Болаларнинг бундай хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда чет тилини ўргатишни эрта ёш босқичларида бошлаб болаларнинг ижтимоий, психологик ва ақлий ривожланишини мисли кўрилмаган даражада тезлаштиришни тасдиқлаб айтиш мумкин (9). Болаларга чет тилини ўқитиш жараёнида умумий чет тили таълими расмий таълим категориясига кириш ёки кирмаслигидан қатъи назар, дарслар ва дарс куроллари норасмий таълим контекстида дастурлаштирилиши лозим.

5. Норасмий таълим контекстида фаолият кўрсатиб ва яшаб иккинчи тилни ўзлаштириш

Ўрганиш стратегияларида ахборот олиш, уни қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш мақсадида талабалар ўз методларини ишлаб чиқишлари мумкин. Талабалар ахборотни қандай қайта ишлаш ва танланган усулни самаралироқ ўрганиш борасидаги қарорларни ўзлари қабул қиладилар (25). Мактабда ўқувчилар чет тилини ўқитувчи ёки дарсликда мавжуд методлар билан ўрганадилар, уйда эса ўқувчилар чет тилини ўзлари учун тушунишга қулай бўлган усулда – ўз методлари асосида ўрганадилар. Шу сабабдан, ўқувчиларни ўз методларини қўллаб дарсларни такрорлашлари учун турли дарс материаллари билан таъминлаш лозим. Норасмий таълим ёрдамида ўқувчилар чет тилини нафақат тизим асосида, балки визуал ва тинглаб тушуниш материалларидан ташкил топган муҳитда ижтимоий-маданий жиҳатдан ҳам ўрганишади. Бундай ёрдамчи воситалар ёрдамида, талабалар ўша тилдаги мулоқот муҳити ва тўғри урғу, оҳанг ҳамда қўл, юз ва тана ҳаракатлари билан танишишади ва буларнинг барчаси тинглаш ва тушуниш, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш учун талаб қилинади (6).

Чет тилини ўқитиш мақсадидаги таълим жараёнини режалаштиришда ўрганувчи шахсларнинг эҳтиёжлари, ижтимоий мавқеи, қизиқувчанлиги, иқтидори, ўрганиш суръати, маданий савияси, ёши ва таълим даражаси ҳисобга олиниши зарур. Дарсда ўқувчилар учун тил муҳитини яратиш билан бирга, чет тили ўқитувчиси ўз талабаларини уларнинг тил борасидаги билимларини мактабдан ташқарида амалда қўллай олишининг имконини берадиган методлар билан таъминлаши лозим (5). Ўрганувчиларнинг ҳар бири индивидуал фарқланишига кўра, дарс пайтида ўргана олмайдиган нарсаларга ўзларини ўргатиш жараёнида фойда берадиган методлар билан таъминланишлари лозим.

Европаликлар мактабда иккинчи тилни ўрганишмайди. Чегараларнинг йўқ қилиниши ва Европа бўйлаб эркин ҳаракатланиш каби омиллар биттадан ортик

чет тилини ўзлаштириш имконини беради (31). Европада, фуқаролар бошқа Европа давлатларида ҳам ўз ватанлари ичида юргандек саёҳат қиладилар ва шу йўсинда улар чет мамлакат тилини шу тилнинг табиий муҳотида яшаб ўрганиш имкониятига эга бўлади. Бундан ташқари, Европа тиллари бир тил оиласига мансублиги ва бир жиҳатдан ўхшаш эканлиги туфайли европаликлар бир-бирларининг тилларини осон ўрганишади. Крашен (23) иккинчи тилни ўзлаштириш ва иккинчи тилни ўрганиш ўртасидаги фарққа эътибор қаратади. Унга кўра, иккинчи тилни ўзлаштириш ўша тил сўзлашиладиган муҳитда содир бўлади, бошқа томондан олганда, тилни ўрганиш иккинчи тил дарсда ўқитилишини англатади. Шунинг учун, иккинчи тилни ўзлаштириш норасмий йўллар билан амалга ошади, иккинчи тилга ўрганиш эса синфда ўша тилни ўқитиш йўли билан амалга оширилади. Шахсларнинг иккинчи тилни тажриба орқали ўзлаштиришлари энг табиий метод ҳисобланади. Тилнинг табиий муҳотида мимика, имо-ишоралар, оҳанг, талаффуз ва ҳоказолар тўғри ўзлаштирилади. Шунингдек, ўрганувчилар ушбу чет тилини баҳо қўйиш, имтиҳон топшириш ёки балл олиш каби хавотирлардан ҳоли, эркин ўрганадилар.

Чет тилини ўқитишда фақат грамматика ва сўз бойлиги кўникмаларини такомиллаштиришнинг ўзи етарли эмас. Чет тили борасида олинган билимларни доимий ва фаол қўллаш ўрганувчининг ўз билимларини кўплаб ва мураккаб интерактив (ўзаро) мустаҳкамлаш тажрибаларига боғлиқ бўлади. Шахсларга берилган назарий билимлар норасмий таълим тизими контекстида кўп ўлчамли ижтимоий ўзаро фаолият орқали амалда қўлланилиши лозим (30). Ўрганувчилар пассив четда турувчилар бўлмасликлари керак; балки аксинча, иккинчи тилни текшириб кўриш (амалда қўллаб кўриш) ва хатолар қилиш йўли билан ўзлаштиришлари лозим.

Жамият, маданият ва аҳолининг яшаш тарзини тушуниш учун шу жамиятнинг тилини ўрганиш зарур. Расмий таълим муҳотида талабалар ўзлаштирадиган бирор тилнинг маданияти ҳақидаги билимлар назарий хусусиятга эга. Шу сабабдан, тил билан бирга маданият билан танишмоқчи бўлган ўрганувчи қаноат ҳосил қилмайди. Бошқа томондан олганда, иккинчи тил норасмий муҳитларда ўзлаштирилганда ўша тил маданияти ҳам тажриба орқали ўрганилади. Ўрганувчилар тилнинг ўзи билан бирга шу тилда сўзлашувчи халқ маданиятини билишни хоҳлайдилар. Маданият тил ўрганувчиларда ҳайрат ва қизиқиш уйғотади; одамлар чет элларда овқатланиш, байрамларни нишонлашни, қўшничилик муносабатлари ва тўй маросимлари каби ҳодисаларни ўз ичига олган яшаш тарзи билан қизиқадилар.

Тилни ҳақиқий маънода ўрганиш, сўзлашиш ва ёзув каби ижодий кўникмалар ҳамда тинглаб тушуниш ва ўқиш каби пассив кўникмаларни ўзлаштиришни англатади. Ушбу кўникмалардан ташқари, тўлақонли чет тилини ўзлаштиришнинг таркибига шу тилда сўзлашиладиган мамлакатнинг маданияти ва турмуш тарзини тушуниш ҳамда ўша мамлакат аҳолиси билан оғзаки ва ёзма мулоқот ҳам киритилиши лозим (16). Норасмий таълимда шахс ўзи ўзлаштирган чет тилини мустақил, автоном ва ижодий тарзда қўллаши мумкин.

Чет тилини ўқитишда тилнинг тўрт асосий жиҳати – тинглаб тушуниш, сўзлашиш, ўқиш ва ёзиш туридаги фаолият ёрдамида мустаҳкамланишини таъминлаш лозим. Кўникмаларни шакллантиришга асосланган тил ўқитиш тизимида ўрганувчига тил ҳақида тўлиқ билимлар бериш мақсад қилиб олинмайди, балки ўрганувчида ўша тилни қўллай билиш қобилияти шакллантирилади (19). Демак, норасмий таълим шароитида ушбу тўрт кўникмани мустаҳкамлашнинг имкони мавжуд. Бу кўникмаларни такомиллаштиришда шахс ўз методларини ишлаб чиқади. Чет тилини ўрганиш муайян ёш даври билан чегараланмайди, унга тинимсиз давом этадиган жараён сифатида қаралиши лозим. Ўрганувчи чет тилини бутун ҳаёти давомида ўрганиши керак. Чет тилини ўрганиш ҳаётнинг ҳар бир босқичида амалга оширилиши лозим; бунини талабаларнинг ўзлари норасмий таълим шароитида қатнашиши мумкин бўлган фаолият орқали амалга оширилиши мумкин. Масалан, чет тили кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилиб қўйган шахс бу ишни чет тилида фильмлар кўриш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Шунингдек, ўрганувчилар чет тилини ўрганишни ўз мамлакатада чоп этиладиган чет эл газеталари ёки журналларини ўқиш билан ҳам давом эттиришлари мумкин.

6. Хулоса ва таклифлар

Бугунги кунда чет тилларни ўқитишда нотўғри методлар қўлланилганлиги сабабли чет тилини ўрганишда кўрқув ва хавотирлар кузатилмоқда. Инсонлар чет тилида олиб бориладиган дастурларни тинглаш ёки томоша қила олиш учун сунъий йўлдош ва телевидение эфирларидан фойдаланишлари мумкин. Ер юзида телевизор томоша қилиш даражаси юқорилиги туфайли норасмий шароитда уни иккинчи тилни ўзлаштиришнинг фойдасига йўналтириш муқаррардир.

Телесериаллар, фильмлар, ҳужжатли фильмлар, мусобақалар ва бошқа кўрсатувларни эфирга узатишда хусусий ва давлат телевидение каналлари уларни аслият тилида (асосан инглиз тилида) эфирга узатишлари мумкин. Бундай ҳолатда, улар дубляж қилиш учун ортиқча харажат ва вақтни тежайди. Дастурларни маҳаллий аҳолининг она тилида, иккинчи тилни эса субтитрлар

тариқасида бериш лозим. Чет эл дастурларини ўша тилда тинглашлари телевидениядаги визуал таъсир боис ўрганувчиларнинг тилни тушунишларида катта қийинчилик туғдирмайди. Улар тилни одатий тарзда, яъни инглиз тилидаги ибора ва гапларни турли дастурларда қайта-қайта эшитишлари туфайли тушуна олишади. Hello, good morning, see you, I'm hungry, enjoy каби иборалар автоматик тарзда ўзлаштирилади.

Аудиотасвир ва интерактив имкониялари мавжуд восита – компьютердан фойдаланиш шахсинг иккинчи тилни ўрганишига ёрдам беради. Шу сабабли, турли хил компьютер дастурлари тил ўрганувчилар учун ўрганишнинг турли услубларида тузилиши лозим. Ахборот-коммуникация технологиялари жуда тез суръатлар билан ривожланаётганлиги туфайли чет тилини ўқитишнинг янги дастурларини тинимсиз тузишга зарурият йўқ. Компьютер ёрдамида тил ўқитиш шароити нуқтаи назаридан қараганда, тил ўрганишга бугунги кунда ҳам, келажакда ҳам тинимсиз эътибор қаратилиб турилиши лозим.

Чет тили ўқитувчилари ўқувчиларга чет тилини қаерда ва қандай қилиб қўллаш, қандай мулоқот қилиш ва чет тилидан қандай йўл билан фойдаланиш борасида кўрсатмалар беришлари ва уларга чет тилини одат ёки рефлекс даражасига келтиришлари учун ёрдам беришлари лозим. Бунга қўшимча тарзда, ўрганувчиларга ўша тилни ўрганиш билан боғлиқ иш топиш имкониятлари ҳақида маълумотлар бериб борилиши ҳам мақсадга мувофиқ. Бундай имконият ўрганувчиларда ўша тилни ўрганишга қўшимча рағбат уйғотади. Ўқитувчилар ўқувчиларга ўзлари ўзлаштирган чет тилини дарсдан ташқари мустақил қўллаш йўллари кўрсатадиган мисоллар беришлари лозим. Ўқувчиларнинг ўзлари чет тилида олган билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш мақсадида мустақил қўллашлари мумкин бўлган баъзи методлар қаторига хат ёзишиб турадиган дўстининг мавжудлиги, ўзлаштираётган чет тилининг амалда қўллашда ёрдам берадиган телевидение дастурлари, ўйинлар, театр сахналари/ўйинлари ва қўшиқларни киритиш мумкин (26).

Баъзан чет тилини ўзлаштиришга нисбатан тушунмасдан туриб қарши муносабат билдирилиши мумкин. Баъзи баҳслар болаларнинг ўз маданиятларидан узоқлашиб кетишлари ва миллий ўзлигини йўқотиш масаласи билан боғлиқ. Шунингдек, муҳолифлар она тилларининг йўқолиб кетиш хавфини ҳам таъкидлайдилар. Бундай хавотирларни ҳисобга олиш зарур, бироқ бошқа томондан қаралганда, бу масалаларга ҳаддан ташқари эътибор бериш ҳам шарт эмас. Бугун маданиятларнинг ўзаро алмашинуви даврида, одамлар кўпмаданиятли дунёда яшашга тайёр бўлишлари лозим.

Оила аъзоларининг иштирокини таъминлашнинг имкони бўлмаган таълим муҳотида мактабнинг ўзи жиддий самара беришини кутиш мушкул. Боланинг норасмий таълим олиши оилада кечади, мактаблар эса болалар ва ёшларга расмий таълим олиш имкониятларини таклиф қилувчи муассасалардир. Иккинчи тилни ўзлаштиришда муваффақиятга эришиш учун ушбу расмий ва норасмий таълим жараёнлари бир-бирига мос келиши ва изчиллиликни намоиш қилиши зарур. Оила аъзоларини ҳам мактабда бериладиган расмий таълимда қатнашишларига таклиф қилиш ва улар бу жараёнга кўмаклашишлари лозим. Мактабларда болаларга чет тилларини ўқитишда қўлланиладиган методлар мактабдан ташқарида – ёши катталар ва касб вакиллари гуруҳларини чет тилига ўқитиш учун қўлланиладиган методлар билан бир хил бўлолмайди. Барча ўрганувчиларни битта стандарт метод билан чет тилига ўргатиб бўлмайди. Ўқитиш жараёнини бошлашдан олдин эҳтиёжлар таҳлилини ўтказиш лозим. Эҳтиёжлар таҳлили ўтказилгач, алоҳида олинган шахснинг ўрганиш йўналиши, яъни унга расмий ёки норасмий метод қўлланилиши лозимлиги тегишли тарзда аниқланади.

Хусусан, ёши катталар иккинчи тилни ўзлаштириш жараёнида хато қилишдан хавотирда бўладилар. Хатога йўл қўйиш келтириб чиқарадиган хавотирни ўрганадиган руҳшунослар ва маориф мутахассислари ушбу омилнинг чет тилини ўрганишга салбий таъсир қилишини таъкидлайдилар. Хавотир ўрганувчиларда ҳам мулоқотга асосланган тил ўқитишда муваффақиятга таъсир қиладиган энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Шунингдек, аксар ҳолларда, хавотир чет тилини ўрганишда ноқулайлик ҳисси билан боғлиқ. Хавотир ва ноқулайлик ҳисси бўлган ўрганувчилар ўзлари ўзлаштирган ва амалда қўллаётган чет тилида мулоқот қилишда қийинчиликларга дуч келишади. Демак, норасмий таълим контекстида чет тилларни ўрганиш дастурлари шу каби муаммоларга дуч келадиган ўрганувчиларнинг мавжудлигига ҳам мўлжалланган бўлиши лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Akbarov, A. (2017a) Лингводидактические модели усвоения второго языка: социально-когнитивная перспектива // *"Вестник ПГУ"*, Филологическая серия, научный журнал Павлодарского государственного университета имени С. Торайгырова (Pavlodar State University), № 3,2 017, Pavlodar, Kazakhstan.
2. Akbarov, A. (2017b) Обучение языку, имитационная теория и изучение иностранного языка, *Xorijiy Filologiya, til-adabiyot-ta'lim, ilmiy-uslubiy jurnal* (Foreign Philology, language-literature-education, scientific-methodology journal). Samarqand davlat chet tillar instituti. Samarkand State Institute of Foreign Languages, 3 (64) Samarkand.
3. Akbarov, A. (2016) Молодое поколение и интернет: как противостоять вызовам информационных технологий // *Halq Ta'limi*, O'zbekiston Respublikasi Xalq Ta'limi Vazirligining Ilmiy-Metodik Jurnal (Public Education Scientific-Methodical Journal of the Ministry of Public Education, Republic of Uzbekistan), 2016-3 May-June, Uzbekistan

4. Akbarov, A., & Hadžimehmedagić, M. (2016) The Influence of Personal Factors on Students' College Success, *Journal of Linguistic and Intercultural Education – JoLIE*, 8/2015 (pp.21-33). "1 Decembrie 1918" University of Alba Iulia, Romania
5. Akbarov, A. (2015) Развитие таланта в привычной среде, *Pedagogika – ilmiy-nazariy va metodik jurnal*. Toshkent Davlat Pedagogika Universiteti. Volume 6, Tashkent, Uzbekistan
6. Aktaş, T. (2004). Yabancı Dil Öğretiminde İletişimsel Yeti (Foreign Language Teaching Communicative performance). *Selçuk Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü Dergisi (Journal of the Institute of Social Sciences Selcuk University)*,
7. Anadolu, Ajansi. (2010). Ortalama 3 Saat Televizyon Başında Geçiyor (Average 3 hours spend watching television). <http://www.aa.com.tr/tr/ortalama-3-saat-tv-basinda-geciyor.html>
8. Aydoğan, H., & Akbarov, A. (2015) Sociodemographic Variables Versus Intrinsic and Extrinsic Motivation for English Learning, *International Journal of English Language, Literature and Translation Studies (IJELR)*, Volume 2, Issue 3
9. Becirović, S., & Akbarov, A. (2016) Talent Development through Familial Environment, *International Journal of Social and Educational Innovation (IJSEIro)*, Volume 3 / Issue 5/ 2016, "Ștefan cel Mare" University, Suceava, Romania
10. Calico. (2001). Bilgisayar Destekli Dil Öğreniminde Bilimsel Çalışmalar: Geliştirme, Eğitim Bilimsel Yenilikler ve Araştırma (Computer Assisted Language Teaching Scientific Studies: Development, Training of scientific Innovation and Research).
11. http://calico.org/CALL_document-Turkish.pdf (28 March 2011).
12. Cedden, G. E. (1995). İkinci Dil Ediniminde İçsel Etkenler (Second Language Acquisition Internal Factors). *TÖMER Dil Dergisi (Journal of Language TOMER)*
13. Cook, V. (2001). *Second Language Learning and Language Teaching*. 3. Print. London: Hodder Arnold.
14. Demircan, Ö. (2002). *Yabancı Dil Öğretim Yöntemleri (Foreign Language Teaching Methods)*. Der Yayınları (Der Publications). İstanbul
15. Dutta, R. (2016). English dominating the world as a global language.
16. Edmonson, W. and House, J. (1993). *Einführung in die Sprachlehrforschung*, Franke Verlag. Tübingen, Basel
17. Ergin, A. and Birol, C. (2005). *Eğitimde İletişim (Education Contact)*. Anı Yayıncılık (Anı Publications). Ankara
18. Holec, H. (1990). Qu'est-ce qu'Apprendre à Apprendre. *Mélanges Pédagogiques*.
19. Hutchinsons, T. and Waters A. (1991). *English For Specific Purposes*. Great Britain: Cambridge University Press
20. İlhan, N. (2005), Çocukların Dil Edinimi, Gelişimi ve Dile Katkıları (Children's Language Acquisition Development and Contributions to Language). *Manas Üniversitesi Sosyal Bilimler Dergisi (Journal of Social Sciences Manas University)*.
21. Kartal, E. (2005). Çoklu-Ortamlı Yazılımların Fransızcanın Yabancı Dil Olarak Öğretimindeki Yeri ve İşlevleri (Computer Aided Language Education; Foreign Language Learning; French Education; Language Instruction; Multimedia Learning). *Uludağ Üniversitesi Eğitim Fakültesi Dergisi (Journal of Education Faculty Uludag University)* XVIII (2).
22. Krashen, S. D. (1973a). Lateralization, Language Learning and Their Critical Period: Some New Evidence. *Language Learning*, 23.
23. —. (1973b). Lateralization, Language Learning and Their Critical Period: Some New Evidence. *Language Learning*, 23.
24. Littlewood, W. (1984) Foreign and Second Language Learning: Language Acquisition Research and Its Implications for the Classroom. Cambridge: Cambridge University Press
25. Mayer, R. E. (1989). Comprehension Models. *Review of Educational Research* 59 (1).
26. Patricia, A. and Richard, A. (1988). *Making It Happen*. New York: Longman.

27. Peçenek, D. (2005). Yabancı Dil Öğretiminde Araç Geliştirme (Materials Development in Foreign Language Teaching). *TÖMERDil Dergisi (Journal of Language TOMER)*.
28. Susüzer, K. (2006). *Oyun Yoluyla Fransızca Öğretimi (Teaching French With Games)*. Çukurova Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü Fransız Dili Eğitimi Ana Bilim Dalı (*Institute of Social Sciences French Language Education Department Cukurova University*). Yüksek Lisans Tezi (Master Thesis)
29. Terzi, A. R., Dönmez, B., Gürsoy, A. (2003). *Öğretmenlik Mesleğine Giriş (Introduction to Teaching Profession)*. Ümit Ofset Matbaacılık (Umit Ofset Press). Ankara
30. Yılmaz, C. (2006). Beyin Odaklı Öğrenim ve Yabancı Dil Öğretimindeki Önemi (Brain Based Learning and Importance of Foreign Language Teaching). *TÖMER Dil Dergisi (Journal of Language TOMER)*, 134.
31. Yüce, S. (2005). İletişim Ve Dil: Yöntemler, Avrupa Dil Portföyü Türkçenin Yabancı Dil Olarak Öğretimi (Communication and Language: Methods, European Language Portfolio in Turkish as a Foreign Language Teaching). *Journal of Language and Linguistic Studies*, Vol.1, No.1, April:85